

**“ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ТАРБИЯСИДА ҲАРБИЙ ПЕДАГОГИКАНИНГ
ЎРНИ”**

Саминов Абдулхай

Аннотация: *Мазкур мақолада ҳарбий педагогиканинг мазмун-моҳияти, вазифалари ва аҳамияти ёритиб берилган. Ҳарбий хизматчиларнинг жисмоний, маънавий-ахлоқий ва психологик жиҳатдан тайёргарлигини таъминлашда ҳарбий педагогиканинг ўрни кўрсатилган. Шунингдек, фаннинг умумий педагогикадан фарқли жиҳатлари ҳамда ватанпарварлик, интизомий ва маънавий-ахлоқий тарбия каби асосий вазифалари таҳлил қилинган. Мақолада хизматчиларда билим ва кўникмаларни шакллантиришда қўлланиладиган самарали педагогик услублар ҳам очиб берилган.*

Калит сўзлар: *ҳарбий педагогика, тарбия, ватанпарварлик, интизом, маънавий-ахлоқий фазилят, психологик тайёргарлик.*

Аннотация: *В данной статье раскрываются сущность, задачи и значение военной педагогики. Показана роль военной педагогики в обеспечении физической, духовно-нравственной и психологической подготовки военнослужащих. Также проанализированы отличительные особенности этой науки от общей педагогики и ее основные задачи, такие как патриотическое, дисциплинарное и духовно-нравственное воспитание. В статье также освещаются эффективные педагогические методы, применяемые для формирования знаний и навыков у военнослужащих.*

Ключевые слова: *военная педагогика, воспитание, патриотизм, дисциплина, духовно-нравственные качества, психологическая подготовка.*

Ҳарбий хизмат тарихдан жамият хавфсизлиги, давлат мустақиллиги ва миллат тинчлиги учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб келган. Бу соҳада хизмат қилаётган шахслардан нафақат юксак жисмоний тайёргарлик, балки мустаҳкам маънавий-ахлоқий фазилятлар ҳам талаб этилади. Замонавий шароитда миллий армиянинг самарали фаолият юритиши кўп жиҳатдан шахсий таркибнинг билим даражаси, интизоми ва маънавий руҳига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, ҳарбий педагогика фани нафақат ҳарбий хизматчиларнинг шахсий ривожланиши, балки бутун армиянинг жанговор тайёргарлиги ва давлат хавфсизлигини таъминлашда ҳам муҳим омил сифатида намоён бўлади.

Ҳарбий педагогика — бу шахснинг ҳарбий соҳадаги билим, кўникма ва малакаларини тарбиялаш, маънавий-ахлоқий ҳамда психологик жиҳатдан тайёргарлигини таъминлашга қаратилган махсус педагогик фан ҳисобланади. Мазкур фан ҳарбий хизматчиларни тарбиялаш ва ўқитиш жараёнларини ўрганадиган педагогиканинг таркибий қисми бўлиб, у умумий педагогикадан муайян жиҳатлари

билан фарқ қилади. Шунинг таъкидлаш кераки, ҳарбий педагогика умумий педагогика қоидаларига асосланиши билан бирга, ҳарбий муҳитнинг ўзига хос хусусиятларини ҳам қамраб олувчи бир фан соҳаси ҳисобланади. Агар умумий педагогика кенг маънода инсонни камол топтиришга қаратилган бўлса, ҳарбий педагогика асосан куйидаги вазифаларни бажаради:

1. Ватанпарварлик тарбияси – ҳарбий хизматчининг юртига садоқатли, миллат ва давлат манфаатларини устувор қўйган шахс сифатида шаклланиши.

2. Интизомий тарбия – ҳарбий қонун-қоидаларга тўлиқ амал қилиш, буйруқларни аниқ ва ўз вақтида бажаришга одатланиш.

3. Маънавий-ахлоқий камолот – хизматчиларда одоб-ахлоқ, ўзаро ҳурмат, масъулият ҳиссини шакллантириш.

4. Жисмоний ва психологик тайёргарлик – хизматчиларнинг жанговор ҳолатларда барқарор туриши, сабр-тоқатли ва матонатли бўлиши.

5. Ҳамкорлик ва жамоавий иш – ҳарбий жамоада бирдамлик, ҳамжиҳатлик ва ўзаро кўмаклашиш маданиятини тарбиялаш.

Ҳарбий педагогиканинг аҳамияти шундаки, у хизматчиларнинг маънавий дунёси ва касбий малакасини уйғун тарзда шакллантиришга ёрдам беради. Фан сифатида у нафақат назарий билимларни, балки амалий кўникмаларни ҳам ўз ичига олади. Масалан:

Ҳарбий машғулотларда хизматчиларнинг нафақат жисмоний, балки руҳий тайёргарлигига ҳам эътибор қаратилса, уларнинг умумий самарадорлиги юқори бўлади. Маънавий-маърифий тадбирлар орқали хизматчиларнинг миллий ғурури, Ватанга муҳаббати янада мустаҳкамланади. Психологик жиҳатдан бақувват хизматчи ҳар қандай вазиятда ҳам қарор қабул қила олади.

Ҳарбий педагогикада қатор самарали услублар қўлланилади. Жумладан:

Сухбат ва маърузалар – хизматчиларга назарий билим бериш, уларни фикрлашга йўналтириш.

Амалиёт ва машқлар – билимларни амалда синаб кўриш, кўникмаларни мустаҳкамлаш.

Намуна кўрсатиш – тажрибали хизматчиларнинг фаолияти орқали ёшларга ибрат бўлиш.

Руҳлантириш ва рағбатлантириш – хизматчиларнинг кучли жиҳатларини қўллаб-қувватлаш.

Таълимий ва тарбиявий тадбирлар – маданий, маънавий учрашувлар, ватанпарварлик байрамлари орқали маънавий муҳитни мустаҳкамлаш.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, ҳарбий педагогика ҳарбий соҳада хизмат қилаётган шахсларни маънавий ва маърифий жиҳатдан тарбиялашнинг илмий асосланган тизими ҳисобланади. У нафақат хизматчининг касбий тайёргарлигини, балки унинг инсоний фазилатларини ҳам ривожлантиради. Шу боисдан, бу фанни ҳарбий таълим муассасаларида чуқур ўрганиш ва амалиётда қўллаш давлат хавфсизлиги ва жамият барқарорлиги учун муҳим аҳамият касб этади.

30-Oktyabr, 2025-yil

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Қонуни. – Т.: Адлия вазирлиги нашриёти, 2020.
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
4. Ходиев А. Ҳарбий педагогика асослари. – Т.: Академия, 2019.
5. Қодиров Н., Юсупов Б. Педагогика. – Т.: “Истиқлол”, 2021.
6. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
7. Жўраев М. Маънавият ва ҳарбий хизмат. – Т.: Маънавият, 2022.